



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

ИСТИҚВОЛ ҲОҶИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 17 июн № 24 (8466)

Муҳим ахборотлар

Шу йилнинг 9 июл куни муддатидан илгари бўладиган сайловолди тадбирлари қизғин давом этмоқда. Шу кунларда партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар – Улуғбек Илёсович Иноят, Шавкат Миромонович Мирзиёев, Робохон Анваровна Маҳмудова, Абдушуккур Худойқулович Ҳамзаевлар вилоятларда сайловчилар вакиллари билан учрашмоқдалар. Ишончли вакилларнинг туман ва шаҳарлар бўйлаб сайловчилар ҳузурдаги учрашувлари давом этмоқда.

“2023-2024 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Президент Фармойиши қабул қилинди. Фармойишга мувофиқ, шу ўқув йили учун давлат ОТМларига давлат гранти квоталари:

- бакалаврият бўйича кундузги таълим шаклига – 34 860 нафар;
– магистратура бўйича – 8 923 нафар этиб тасдиқланди. Тизимида ОТМ бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда молиявий мустақиллик берилган ОТМлар контракт асосидаги қабул параметрларини 2023 йил 20 июнга-ча тасдиқлайди.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчага кўра, шахсий томорқасида банд бўлган ёки иссиқхона, паррандачилик, қўнчилик, асаларичилик, балқичилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шўғулланаётган томорқа ер эгалари ёки уларнинг оила аъзолари ернинг майдони ёки ҳайвон ва парранда сонидан қатъи назар, ўзларига меҳнат стажини ҳисоблаши учун ихтиёрий равишда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин. Илгари ер 0,04 гектар, қорамол ёки 50 бош парранда бўлса ижтимоий солиқ тўлашга рухсат берилган. Шу сабабли “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонундан ер участкаси ва ҳайвонлар сонига қўйилган талаблар чиқариб ташланди.

ДАЛАДАГИ ДОН – ТАНДИРДАГИ НОН



Ғалла-2023

Эл ризқ-рўзининг бор баракаси бугун ғаллазорларга кўчгандай. Деҳқоннинг яратувчи меҳнатидан бунёд бўлган бошоқлар эл насибасини бошида тутгандай кўзларни қувонтиради. Бултур кузакда уруғ сепган миришкорлар бугун ёзнинг жазирасида ҳосил йиғмоқдалар. Ҳар бир мисқол ҳосилда

ғаллакорнинг меҳри, меҳнатидан куч олган замин саховати акс этиб турибди. Деҳқончиликка илм ва билим билан ёндашаётган миришкорлар гектаридан илгаригидек 30-35 эмас, балки унга икки баравар зиёд ҳосил олаётгани ҳам Аллоҳнинг инояти билан эл ризқига кираётган баракадан

далолат. Бунинг замирида ишнинг кўзини билиб қилинаётган меҳнат ётади, албатта. “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Шерзодбек” номли фермер хўжалигида бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилганининг босиси ҳам шундан. “Ҳозиргача 55 гектар майдоннинг 35 гектаридаги ҳосил йиғиштириб олинди, – дейди хўжалик иш бошқарувчиси Шерзодбек Қўчқоров. – Чамалаб кўрсак, ҳосилдорлик 70 центнерданга боради. Бу, хўжалигимиз 50 нафар аъзоси, кези келганда, жалб қилган мавсумий ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати маҳсули. Абдуҳалил Қирғизов, Беғали Тошқулов, Матлубахон Ҳасанова, Роҳатой Акбарова... уларнинг ҳар бирини тилга олсак, арзийди”. Шерзодбек ҳақ гапни айтди. Бугун ёз жазирасида эл ризқини йиғиб-териб, омборларга саранжомлаётган комбайнчи, ҳайдовчидан тортиб ўрим жараёнини назорат қилаётган туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Дилшодбек Камолитдинов, бўлим бошлиғи Элёрбек Қодиров – ҳамма-ҳамманинг меҳнати, ташкилотчилигига тасаннолар айтсак, арзийди. Даладаги дон тандир тўла нонимиз, дастурхонимиз узра таомимиз, тўкин ҳаётимиз, демақдир.

СУРАТДА: 14-отряд раҳбари Мағрурбек Шаропов (ўнгда) иш бошқарувчи Шерзодбек Қўчқоров билан ғаллазорда.

Матн ва сурат муаллифи Бахтиёржон РУЗИОХУНОВ.

9 июл – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ШУ АЗИЗ ВАТАН ЭРТАСИГА ҲАР БИРИМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Сиёсий жараёнда ана шу рух билан иштирок этайлик, азиз сайловчи!

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг май ойи бошидаги “Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ шу йил 9 июл куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилади.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига кўра, бу йилги сайловларда тўрт нафар – Халқ демократик партиясидан Улуғбек Иноят, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Робохон Маҳмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушуккур Ҳамзаевларнинг номзодлари илгари сурилган.

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида, шу билан бирга, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига

қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Табиийки, сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, сайлов бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асосида ўтиши кўп жиҳатдан фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига, уларнинг фаоллиги ва ўз бурчини чуқур англашига боғлиқ.

Президентликка сайлов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва бошқа қатор қонунлар билан тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида кўра, сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга

бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг тақдирномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади (10-модда). Кодекснинг 27-моддасига кўра, сайловчиларнинг рўйхатлари участка сайлов комиссиялари томонидан тузилади ва сайловга ўн беш кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилади ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар уларнинг ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келади қилиб ўрнатилади. Овоз бериш биносига бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбирлар ўтказилишига рухсат этилмайди.

ШУ АЗИЗ ВАТАН ЭРТАСИГА ҲАР БИРИМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Овоз бериш сайлов куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилади.

Овоз бериш куни сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени бериледи. Сайловчи бюллетенни олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади. Овоз бериш тугагач, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари комиссия аъзолари билан биргаликда бюллетенларни санаб чиқади.

Овоз бериш натижалари Марказий сайлов комиссияси томонидан умумлаштирилади, сайловда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Сайлов кодексининг 97- моддасига кўра, Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилинади ва ушбу сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади.

Ҳурматли юртдошлар! Конституциянинг 105, 109 - моддаларига кўра, мамлакат Президенти давлат бошлиғи ҳисобланади ва давлат ҳокимияти органларининг фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. Демак, муносиб номзодни сайлаш мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигининг гарови ҳисобланади. Шу боис мамлакатимиз ва халқимизнинг яқин келажагига дахлдор ғоятда муҳим сиёсий жараёнда фаол қатнашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Иқболжон ЗОКИРОВ,
туман адлия бўлими юридик
хизмат кўрсатиш маркази
бошлиғи.

Иқболжон АСОМУТДИНОВ,
марказ бош юрист консулти.

Дастур ва ижро

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда мурожаатлар билан ишлаш, бу борадаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, уни такомиллаштириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг қандай амалга оширилаётганини баҳоловчи ўзига хос мезонлардан биридир.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида юртимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда. Бунда халқ оғирини-енгил қилиш, уларга "давлат-фуқаро" муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Юртбошимиз томонидан давлат хизматлари кўрсатишнинг янги концепцияси илгари сурилди. Бу эса ўз-ўзидан аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкон беради.

МОБИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎПАЙТИРИЛИБ... Тўловлар миқдори камайтирилади

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида аҳолининг оғирини-енгил қилиш, қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

а) барча давлат органлари ва ташкилотларида аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш чора-тадбирлари белгиланади. Вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари 15 кун муддатда ўз тизимида масофадан туриб, шу жумладан, мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш, шаффофликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқот майдончаларини ташкил этиш, ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаб, аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилади;

б) давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сони 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса 570 тага етказилади;

в) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилади;

г) электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматла-



рини проактив тарзда кўрсатиш (фуқаро мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) таклифини юбориш йўлга қўйилади. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформа»сига ўтказилади ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилади. Бунда, субсидиялар ажратиш тўғрисидаги аризаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали топшириш имкониятини яратиш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бошқа коррупциявий омилларни бартараф этиш таъминланади.

Давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш механизмининг шакллантирилиши ортиқча, кераксиз ҳужжатлар йиғишни бартараф этади. Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар

базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш бунда муҳим рол тутди.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиёти кенгайтириш, мобил давлат хизматлари кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан фойдаланиш аҳоли учун, шубҳасиз, қулайлик яратади ва энг муҳими, ҳар бир инсон учун қимматли бўлган вақтни тежаш имконини беради. Автоматлаштирилган тизимдан фойдаланиш эса, бюрократия ва коррупция юзага келишини бартараф этади.

Эндиликда ҳар бир фуқаро бу хизматлардан фойдаланиши мумкин ва уларнинг ортиқча оврагарчиликларига чек қўйилди. Бунда асосий эътибор навбатда туришларни кескин камайтириш, сансалорликнинг олдини олиш, халқнинг давлат идораларидан рози бўлишига қаратилди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлайди, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулияти ва ижро интизомини кучайтиришга хизмат қилади.

**Сардорбек
АБДУРАҲМОНОВ,**
туман адлия бўлими
Давлат хизматлари
маркази директори.

Янгиликлардан хабардормисиз?

ТАДБИРКОРГА КЎМАК БЕРИШГА ДОИМ ШАЙМИЗ



Инсон кадрни юксалиб бораётган мустақил мамлакатимизда унинг манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор тобора кучайтирилмоқда. Жорий йилда меҳнатга яраша рағбат ҳамда бу борада адолатли тизим шакллантиришда жорий йилда ҳам бир қатор янгиликлар татбиқ этилмоқда. Жумладан, солиқ қонунчилигига 1 январдан бошлаб қатор ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, айланмадан олинган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун 4 фоиз миқдордаги ягона ставкани белгилаган ҳолда бирхиллаштирилди. Шунингдек, айланмадан олинган солиқни қатъий белгиланган суммада тўлаш тартиби жорий этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тартиб бўйича солиқ тўлаш ихтиёрий ҳисобланади. Ушбу тартибни танлаш тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги енгилликларни яратиб беради:

- солиқ органларига молиявий ҳисоботлар ва айланмадан олинган солиқ ҳисоботини тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди;
- банк ҳисобварағидан дивиденд тарзида ечиб олинган маблағлар солиққа тортилмайди;
- товарлар ҳисобини юритиш талаб этилмайди.

Президентимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонла-

ма қўллаб-қувватланаётгани аниқ ҳақиқат. Айниқса, ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, ўз иқтисодлари ва салоҳиятини тўлиқ намойён этишлари учун шароитларни кенгайтириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, доимий иш билан ҳамда муносиб даромад олишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда жорий йил 26 апрелда "Ёшларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда уларни доимий иш билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони эълон қилинди. Унга кўра, тадбиркорларнинг 2023 йил 1 майдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ижтимоий солиқни 1 фоиз ставкада тўловчилар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилиши белгиланди. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарт билан еттинчи ойдан бошлаб қоплаб берилади. Албатта,

қийинчиликларга учраган тадбиркорларга солиқ хизмати органлари "Солиқчи-кўмакчи" тамойили асосида хизмат кўрсатишни давом эттирадilar.

Таъкидлаш жоиз, айна кунларда инспекциямиз ходимлари томонидан тадбиркорлар билан турли очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилмоқда, муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўрилмақда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун муҳим бўлган қатор йўналишларни белгилаб олган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Хусусан, 2023 йил май ойи давомида туман солиқ инспекцияси томонидан 199 та тадбиркорлик субъектларини қийнаётган муаммолар ўрганилди. Мазкур жараён давомида кўмаклашиш зарур бўлган 180 та тадбиркорга дастлабки бухгалтериясини юритиш, қулай солиқ режимини танлаш, солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартибини тушунтириш, ортиқча ҚҚС тўловларини қайтариш каби масалалар юзасидан амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Биз, солиқ идоралари ходимлари Президентимиз белгилаб берганларидек, тадбиркорга маслаҳатчи, кўмакчи ва яқин ҳамкор сифатида фаолиятимизни давом эттираемиз.

Зухриддин МИРЗАЕВ,
туман солиқ инспекцияси бошлиғи.

Мутахассис оғоҳлантиради

Тинчлик-омонликда, халқ таъбири билан айтганда, пишиқчилик кунларига ҳам етдик. Эл дастурхонини нон билан бойитувчи экин – ғалла пишиб етилиб, ўрим-йиғим мавсуми бошланди. Биз эса ҳар йили бу паллада касб тақозосига кўра, тарғибот-ташвиқот ишларига сафарбар бўламиз. Ваҳоланки, иссиқ забтига олган ёз пайтида етиштирилган ҳосилни ёнғиндан асраш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

МАВСУМНИ БЕТАЛАФОТ ЎТКАЗАЙЛИК

Аввалги йилларда ўрим-йиғим билан боғлиқ қайд этилган ёнғинлар таҳлил этилганда, уларнинг келиб чиқишида ғаллани қабул қилиш, қуритиш ва қайта ишлаш корхоналари мутахассислари техникалар созлигини назорат қилмасликлари, ишчи-хизматчилар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлганлигини кўраемиз. Энг аввало, ўрим-йиғим даврида фермерлар ва дон қабул қилиш масканларидаги масъуллар доимо хушёр, эътиборли бўлишлари талаб этилади. Негаки, айрим фуқаролар "ғалласи ўрилган майдонни ёқиб юборсам ерга фойда бўлади", деб ўйлашади. Аксинча, бу атрофдаги ҳосили йиғиштирилмаган пайкалларга хавф солиши, атроф-муҳитга катта зарар келтириши, ернинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Айни кунларда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан "Ғалла-2023" мавсумида хавфсизликни таъминлаш борасида мунтазам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шу ўринда, масъулларга ўрим-йиғим пайтида қуйидагиларга амал қилишни эслатиб ўтаемиз:

- темир йўллар ва дала йўлларига яқин жойлардаги майдон четлари саккиз метр кенликда ғалласи ўриб олиниб, ярим шудгорланиши лозим;
- мавсумга жалб этилган техникаларнинг учкун ўчиргичлари созлиги текширилгандан сўнг далага киришга рухсат берилиши керак, ўрим-йиғимга жалб қилинмаган бошқа транспорт воситаларини далага киритиш қатъиян ман этилади;
- болаларнинг ғаллазорлар атрофида мол боқиши, ўйнаши ва мавсум давомида далага киришига

йўл қўймаслик;

-майдонларни иккинчи марта экишга тайёрлаш мақсадида сомон ва поялардан тозалаш учун ўт қўйиб юбориш аланганинг қўшни далалардаги ҳали ўриб олинмаган ғалла майдонларига туташиб кетиши хавфи туғилишини асло ёддан чиқармаслик;

-ҳайдовчилар ўзлари бошқараётган техникалар ҳолатини доимий назорат қилишлари, вақти-вақти билан хас-хашаклардан тозалаб туришлари шарт. Бундан ташқари, ҳар бир техника воситасида бирламчи ёнғин ўчириш воситалари бўлиши керак;

-комбайнларда иккита ўт ўчиргич, битта белкурак, иккита супурги, 2x2 метр ҳажмдаги кигиз ёки брезент, 40-100 литр сифимда сув, иккита челақ бўлиши, бундан ташқари, ўрилаётган ғалла майдони четида омончи ҳайдов трактори, тиркамасида катта сифимли суви, ёнғинни ўчиришда фойдаланиш учун зарур воситалар (эски чопон, шолча) билан таъминланган трактор навбатчилигини ташкиллаш;

-хирмон ҳудудидаги ёнғинга қарши қалқонида камида иккита белкурак, метал илгақ, икки дона челақ, икки дона ёнғин ўчиргич, сув тўлдирилган идиш ва қумли қути бўлиши шарт.

Фуқароларимиз томонидан юқорида айтиб ўтилган камчиликларга йўл қўймаслик ва масъул ходимлар томонидан ушбу тадбирларни амалда татбиқ этилиши ҳосилимизни сақлаб қолишда муҳим омил бўлади.

Ж. ЖУРАБОВЕВ,
фавқулодда вазиятлар бўйича туман бўлими бошлиғининг ўринбосари, капитан.

Умуммиллий ҳаракати давом этмоқда

СОҒЛИК ҲАЁТНИНГ ШУНДАЙ НЕЪМАТИДИРКИ...

Афсуски, бу неъматга уни йўқотгандан кейингина эътибор берамиз



Хўш, нима учун саломатлигимизни бой берамиз? Аввалги асрда яшаб ўтган олим Павлов шундай ёзди: "Инсон юз йил яшаши мумкин. Лекин биз ўзимизнинг тийиқсизлигимиз, пала-партишлигимиз, ўз организмимизга нисбатан шафқатсизлигимиз туфайли бу муддатни кўп йилларга қисқартириб юборамиз". Ҳақ гап, шундай эмасми? Умуммиллий ҳаракатининг мақсади ҳам аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатишдан иборатдир.

Тийиқсизлик, палапартишлик, шафқатсизлик, дейилганда нималар назарда тутилган? Ҳар куни бир неча бемор билан мулоқот қиладиган шифокор-кардиолог сифатида айтадиган бўлсам, бу ерда соғлом ҳаёт кечиринида инсон учун зарур бўлган барча муносабатлардан тортиб овқатланишгача меъёрни билмоқ ва унга

амал қилмоқ ҳақида гап бормоқда. Биргина овқатланиш меъёрларига назар ташлаб кўрайлик. Қабулимга келаятган беморлар орасида ортиқча вазн йиққан аёлу эркакларни учратаман. Ички аъзолар, айниқса, организмнинг "мотори" деб аталадиган юракни ёғ ўраганларнинг аҳволига ачинаиб кетаман. Бу, албатта соғлом овқатланишга амал қилмаслик оқибатидир. Бугун эркаклар орасида ҳафтада кўй ёғи, кўй гўштида ош емайдиган ёшлар, ўрта ёшларни учратиб қийин. Энди булар сафига аёлларнинг ҳам қўшилиб қолганига нима дейсиз?

Тўй-маъракаларда дастурхонларга тортиладиган нознеъматлар, таомлар меъёрини биламизми? Йўқ, албатта. Улар орасида инсон организмни "қийнаб" қўядиганлари: спиртли, газли ичимликлар, сомса, қаз-қарталар, ёғли таомлар ва

ҳоказолар кўпчиликка нафсни жиловлашга имкон бермайди. Шундай пайтда тийилганлар организмга фойда қилибдилар. Газетада ўқиганим бор: ўзбекнинг тўйида меҳмон бўлган француз тадбиркори тўқин дастурхонни кўриб, "мени бу ерга касал қилгани олиб келдиларингми?" деган экан.

Дарҳақиқат, касалликдан асранишнинг бирдан-бир йўли овқатланиш меъёрини билмоқликдир. Ортиқча тўйиб овқатланиш, ҳайвон ёғида қовурилган таомлар, варақ сомсалар, хамирли овқатлар, спиртли, газли ичимликлар, ортиқча ширинликлар охир-оқибат юрак қон-томир ва бошқа хасталикларга йўл очади.

Ўқувчида булар ўзимизнинг миллий таомларимиз-ку, улардан мосуво бўлишимиз керакми, деган савол туғилмаслиги керак. Инсон ейиш учун эмас, яшаш учун истеъмол қилади. Уша истеъмол-

нинг меъёрини билмоқ жуда муҳимдир. Соғлом одамлар ортиқча тўйиб овқатланишдан, зарарли нарсалардан маълум даражада тийилишлари, у ёки бу касалликка чалинганлар эса ўз ҳаддларини билишлари ва нафсни жиловлашлари зарур. Сукрот айтганларидай, "Таомнинг энг яхши қўйласи – нафсни тийиш". Ўзбегим ҳам қачонлардир тўй-маъракаларда одамлар организмга жабр қилмаслик учун дастурхонга фақат зарур ва фойдали таомлар қўйишга, соғлом овқатланишга одатландиган даврлар келишидан умидвормиз.

Юрак қон-томир хасталикларини келтириб чиқарувчи яна бир омил бу, ҳаракатсизликдир. Ҳаракат соғлом ҳаёт гарови. Одатда ҳаракатчан одамлардан кўра, кўпроқ ўтириб ишлайдиганлар касалликка берилувчан бўладилар. Айни шундай одамларда ортиқча вазн вужудга келиб, оёққа, юракка



юк тушади. Шунинг учун ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда меъёрида ҳаракатланиб туриш тавсия этилади. Хусусан, ҳавонинг ҳароратига қараб, қунига эрталаб ва яна ўзига мақбул пайтларда дастлаб 500 метр, аста-аста беш километргача пиёда юриш кони фойдадир. Ҳар куни бадантарбия билан шуғулланиб туришни-ку тиббиёт илмининг султони ибн Сино бобомиз алоҳида уқдирганлари бежиз эмас. Лекин, ҳали ҳозирча бадантарбия турмуш тарзимизга айлана олмаётгани афсусланарли. Билинги, бутун жисмини зарур меъёрий ҳаракатлар билан тарбиялайдиган одамлар ҳеч қачон юрак хасталигига чалинмайдилар.

Ойбек ЎРИНОВ,
шифокор-кардиолог.
Катта Бешкапа МФЙ

**Расулulloх
(с.а.в.)
хадисларидан**



Фарзандларингизга сузишни ва отишни ўргатинглар. Мўмина аёлнинг уйида овунадиган иши ип йиғиришдир. Агар сени ота-онанг баробар чақириб қолишса, аввал онангга жавоб қил.

Дайлабий ривояти.

Жаннат амали ростгўйликдир. Агар банда ростгўй бўлса, яхшилик қилган саналади. Агар яхшилик қилса, имон келтирган бўлади. Агар имон келтирса, жаннатга киради. Дўзах амали ёлғончиликдир. Агар банда ёлғон гапирса, фожирлик қилган бўлади. Агар фожирлик қилса, куфр келтирган саналади. Агар куфр келтирса, дўзахга тушади.

Ибн Умар (рози-яллоҳу анҳумо)дан. Аҳмад ривояти.

Ўзингга чиройли хулқ ва узоқ жим туришни лозим бил. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, ҳалойиқ у каби нарса билан чиройли бўлмайди.

Анас (розиаллоҳу анҳу)дан Абу Яъло ривояти.

Ўзингизга ростгўйликни лозим тутинг, чунки ростгўйлик яхшиликка олиб боради. Яхшилик эса жаннатга бошлайди. Киши рост гапириб, ростгўйликка амал қилади, ҳатто Аллоҳ ҳузурини «сиддик» деб ёзиб қўйлади. Ёлғондан сақланинг, чунки ёлғон гуноҳга бошлайди. Гуноҳ дўзахга етақлайди. Киши ёлғон гапириб, унга рия қилишда бардавом бўлади, ҳатто Аллоҳ ҳузурини «каззоб» деб ёзиб қўйлади.

Бухорий ривояти.

“2002 ҳадис” дан. (Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). “Мунир” нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.
Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ҲАДЯ МУҲАББАТНИ ОШИРАДИ

Уйларига меҳмон кўнмайдиган кишилар энг ёмон одамлардир.

ҲАДИС

Ўз қариндошларидан алоқа узиш дунё лаззатларидан кўз юмишдир.

Яхши кўшни яхши йўлга бошлайди.

“ОТАЛАР СЎЗИ”

Келса агар хонанг узра ғариб меҳмон, Бор нарсангни олдига қўй, бўл меҳрибон.

Маҳмуд ҚОШҒАРИЙ

Қариндош-уруғларингни ўзингдан узоқлаштира. Уларга марҳамат кўзи билан боқ, гапига қулоқ сол ва ҳамиша яхшиликни аяма! Раҳм узоқ яшаш учун воситадир ва у кишининг тинч, фаровон яшашига сабабчи бўлади. Байт:

Кишидан рози бўлса гар қариндош, Ошиб обрўйи, бўлгай барчага бош!

Муҳаммад ҲУСАЙН

Кўшнинг ҳақ-ҳуқуқларидан бирини айтсам, бу кўшнинг ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмасликдир. Кўшни касал бўлса, ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса, ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларида ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечирши, аҳлу-аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса уйдан хабардор бўлиб туриш, буларнинг ҳаммаси ҳам кўшнинг ҳақ-ҳуқуқларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, кўшни қарз сўраса, қарз берилса, мева-чева терилса, мева билан йўқланади.

Бир киши бир доно олдига келиб, ундан:

– Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонми, буни қандай билса бўлади?—деб сўради.

– Кўшнилариңдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демек яхшисан!—деб жавоб берибди доно.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Азизим! Сен шундай йўл тутки, бу билан сен ҳақиқий одамга айлангин, билим ва тажриба соҳиби бўл, яхшилар суҳбатидан ўзинг учун бир натижа чиқар, ёмон кишилар қилаётган ишни кўриб, уларга асло кўнгил берма, беҳуда сўзловчиларнинг бемаъни сўзлари юрагингга таъсир қилиб, кўнгил ойнасини хиралантирмасин.

Хожа Самандер ТЕРМИЗИЙ

Кишининг қадрининг унинг ҳимматига яраша бўлади. Ҳадя муҳаббатни оширади.

Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрининг ва ризқининг баракали бўлишига олиб келади.

КОШИФИЙ

“Машриқзамин – ҳикмат бўстони”дан.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Тошкент—1997 йил.

ЁШЛАР ОЙЛИГИ

Шу кунларда халқимиз катта тайёргарлик билан қаршилаётган Президент сайлови ҳаётимда алоҳида бир ҳодиса сифатида из қолдириши тайин. Негаки, мен эндигина овоз бериш ёшига етдим ва бу ҳуқуқим қанчалар аҳамиятли эканлигини дилдан туйиб турибман. Англадимки, бу менинг фуқаро сифатидаги ўз юртим тараққиётига кўшган бевосита ҳиссам бўлади.

ТАСАВВУРИМДАГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



нига барчамиз гувоҳимиз. Юртбошимиз боғчадан бошлаб таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилиш ташаббусини бошлар эканлар, келгуси етти йилга мўлжалланган дастурларида ҳам илм-маърифат, фан тараққиёти кенг ўрин эгаллагани қувонарлидир. Чунки ҳозирги таҳликали, зиддиятларга, қарама-қаршиликларга тўла бу дунёда мамлакатнинг эртанги тақдирини, келажакни илмий салоҳияти етарли, тафаккури ва дунёқараши кенг бўлган шахсларга белгилаши айни ҳақиқат. Биз ҳар биримиз ана шу сафда бўлиш учун номзод белгилаган йўлни синчиклаб ўрганишимиз ва энг муносиб номзодга овоз беришимиз зарур.

Менинг тасаввуримдаги Янги Ўзбекистон, аввало, ҳар бир фуқароси соғлом бўлган юрт. Чунки фақат соғлом инсон ва соғлом халқ қудратлидир. Бу – қонун устуворлиги, демократия, сўз ва ижод эркинлиги таъминланган, илм-фан бундан-да юксалган, коррупция барҳам топиб, ҳалол меҳнат қилиб муваффақиятга эришишни ниёт қиладиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар яратиб бера оладиган мамлакатдир.

Ўзбекистонимизда барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Мамлакатимиз давлат идораларининг халққа кўрсатадиган хизмати – одамларни рози қилишнинг асосий мезони ҳисобланадиган масканга айланади. Янги Ўзбекистон биз ёшлар орзу қилаётган, халқимиз интилаётган, миллатлар бахтиёр яшайдиган жамият бўлишига ишонман ва бу йўлда ўз овозим билан иштирок этаман.

Маҳмуджон АЛИШЕРОВ. Солижонобод МФЙ.

Ватан манзиллари



Ақл – ақлдан қувват олар

ХАЙР ҲАМ – ХАЙР, ДАЛОЛАТ ҲАМ – ХАЙР

(Хайр – бировга қилинадиган холис ёрдам, яхшилик, саховат. Далолат – бирор ишга ундаб бериладиган маслаҳат). “Бировга моддий ёрдам бериш – яхши. Унга руҳий ёрдам бериш, маънавий жиҳатдан кўнглини кўтариш, далда ва тасалли бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш ҳам яхши. Ишқилиб, қандай бўлмасин одамларга яхшилик қилган – яхши”, деган маънода айтилади.

“Ҳикматнома”дан. Тошкент – 1990 йил

Эълонлар

Аҳоли иморатларининг 0016318дан 0016325 гача, 0016338 дан 0016340 гача бўлган, оилавий бахтсиз ҳодисалардан сугурталаш бўйича 0042630 дан 0042636 гача бўлган рақамдаги сугурта полислари йўқолганлиги учун **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти, Данғара тумани, Пишқарон МФЙ, Нурли йўл кўчаси, 12-уйда жойлашган, Данғара тумани давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 7 апрелда берилган 974841 рақамли гувоҳномага асосан фаолият олиб борган “ФАР ДАНҒАРА ЭКСПОРТ” масъулияти чекланган жамиятнинг (ИНН:308372821) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**